

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичларида ташкилий механизмлар тадбиқ этилгани асослаб берилган. Амалдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий механизмининг камчиликлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, муаллиф томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг ташкилий механизми тақлиф этилган. Энг муҳими, соҳани ривожланишида ташкилий механизмнинг янги элементлари тақдим этилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр жамият, индустриал жамият, пост индустриал жамият, меҳнат ресурслари, бандлик, бошқарув усуллари, бошқарув вазифалари, ижро механизмлари, ташкилий элементлари, инвестицион лойиҳа.

Кириш.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг алоҳида босқичларида (аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамият) иқтисодий ҳодисалар ўзига хос тарзда амалга ошади. Аграр жамиятда кишиларнинг ҳаёт кечиришлари учун моддий неъматларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланишлари, шунингдек, фан, маданият, сиёсат, турмуш даражаси, аҳоли даромади, ҳаёт кечириш тарзи, иқтисодиётни бошқариш усуллари индустриал жамиятга қараганда катта фарқ қилади. Масалан, аграр жамиятда меҳнат ресурсларининг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда катта таъсир қилган бўлса, индустриал жамиятда технологиялар, механизациялашган машиналар маҳсулот ҳажмини оширишда муҳим рол ўйнайди. Постиндустриал жамиятда эса аксинча, меҳнат ресурсларининг миқдори эмас кўпинча сифати, оддий технологиялар эмас, балки инновацион технологиялар маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутади. Ёки айтайлик аграр жамиятда иқтисодий жараёнлар таркибида ишлаб чиқариш инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий, кўп ҳолларда ягона манбаи бўлиб хизмат қилган. Индустриал жамиятда эса иқтисодий жараёнлар маҳсулотни тақсимлаш ва айирбошлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиш босқичлари такомиллашди. Постиндустриал жамиятда инновацион технологиялар маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, постиндустриал жамиятда иқтисодий жараёнлар тамомила ўзгариб, янгиланиб, уни таркибида хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин олади. Гарчанд, индустриал жамиятда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсади истеъмол бўлса-да, унга маҳсулотларни етказиб бериш, маҳсулот тўғрисида маълумот олиш учун хизмат кўрсатишга эҳтиёж кучайди.

«Механизм» тушунчаси XX асрнинг 60 йилларида техника соҳасидан иқтисодиёт соҳасига кириб келган.¹ Кишилиқ жамиятида хизмат кўрсатиш, кишиларни иш билан таъминлаш каби бир-бирига боғлиқ ташкилий ва иқтисодий механизмлар амалда тадбиқ этилган ҳамда улардан кенг миқёсда фойдаланилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, иқтисодий субъектларни бошқаришда, уларнинг фаолиятини ташкил этишда давлат нафақат молиялаштириш механизмлари орқали, балки иқтисодий механизмларнинг бошқа элементлари, шунингдек, ташкилий механизмларни кенг қўллаш асосида тараққиётнинг юқори даражаларига эришган. Масалан, АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея ва бошқа Ғарб давлатлари миллий иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш ҳамда

¹ Хозяйственный механизм (<http://stroy-spravka.ru/khozyaistvennyi-mekhanizm>).

самарадорлигини ошириш асосида барқарор иқтисодий тараққиётга эришган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Ўзбекистон ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Ташкилий механизмлар ишлаб чиқариш элементлари меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари, меҳнат объектлари, ахборот мажмуини ўз ичига олишини ва оқилона ишлашини Д.А.Новиков илмий асарида асослаб берган¹. Ташкилий механизмлар - ташкилий тизим иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалар ва низомлардан иборат эканлигини Е.С.Гламаздин, Д.А.Новиков, А.В.Цветковлар² тадқиқ этишган. Ташкилий механизмлар бу - хўжалик бошқаруви усулларининг синоними ва ташкил этиш эканлигини Л.Н.Коршунова, Н.А.Проданова, Е.А.Зацаринная³ илмий асарида изохлаб берган. Ташкилий механизмлар - бу бошқарув функцияларини амалга оширишда ўзаро боғланган ҳаракатларнинг алгаритми эканлигини С.Е.Иванов⁴ эътироф этган. Ташкилий механизмларнинг асосий элементи бошқарув эканлигини ва у иқтисодий субъектлар фаолиятини бошқаришда, ички муносабатларни тартибга солишда, раҳбар ва ходим ўртасида алоқалар ўрнатишда алоҳида аҳамият касб этишини Е.В.Пенькова⁵ илмий асарида таҳлил қилган. И.Н.Филиппова эса ташкилий механизмларни такомиллаштириш бошқарув механизмлари билан боғлиқ эканлигини ўз асарида тушунтириб берган⁶. Ташкилий механизмларнинг янги кўринишларини, яъни давлат билан хусусий шерикчилик механизмини қўллаш орқали ташкилий-иқтисодий механизм тушунчасини бойитиш таклифини А.Ю.Добрин илгари сурган⁷. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат хусусий шерикчилиги асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини жорий этиш усулини Р.Ж.Абасов илмий асарида таклиф этган⁸. Иқтисодий субъектларнинг янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун имкониятлари етарли эмас. Иқтисодий субъектларга баъзи лойиҳалар, масалан, ҳудудлардаги харобага айланган тарихий объектларни реставрация қилиш, ҳудуд атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, чекка ҳудудларга транспорт қатновини йўлга қўйиш ва шу кабилар унчалик аҳамиятли (фойдали) эмас. Ушбу лойиҳалар иқтисодий субъектларга яқин орада даромад келтирмайди. Лекин мамлакат тарихи, юрт ва маҳалланинг ободлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун катта рол ўйнайди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий субъектлар ҳар қандай фаолиятдан манфаатдор бўлишлари лозим. Акс ҳолда улар ушбу фаолиятга қизиқиш билдиришмайди. Мана шу жиҳатдан қаралганда, А.Ю.Добрин ва Р.Ж.Абасовларнинг таклифи эътиборга лойиқ. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу олимларнинг тадқиқот ишларининг назарий қисмида механизм

¹ Новиков Д.А. Институциональное управление организационными системами. М., 2003.- С.99.

² Гламаздин Е. С., Новиков Д. А., Цветков А. В. Механизмы управления корпоративными программами: информационные системы и математические модели. – М.: Спутник, 2003. – 159 с.

³ Коршунова Л.Н., Проданова Н.А., Зацаринная Е.А. Основы финансового менеджмента: Учеб. пособие. Инфра - М., 2019.-С.123.

⁴ Иванов С.Е. Организационный механизм управления качеством образования в школе. Ярославский педагогический вестник №2. 2010. С.67-68.

⁵ Пенькова Е.В. Особенности экономического и организационного механизмов функционирования медиапредприятия. Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии. № 1 (19). 2014. С.106.

⁶ Филиппова И.Н. Механизмы управления трансакциями в трубной отрасли. Специальность 08.00.01- Экономическая теория. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2021., С.30.

⁷ Добрин А.Ю. Экономическое обоснование механизмов государственно-частного партнерства в транспортном строительстве 08.00.05- Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами-строительство) диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва., 2016., 157 стр.

⁸ Абасов Р.Ж. Bank financing mechanisms for innovative economic development. Cand./Economics Dissertation 08.00.10. (2015)

тушунчасининг фақат баъзи жиҳатлари таҳлил этилган. Масалан, механизмга берилган таърифлар, унга нисбатан олимларнинг ёндашувлари ва ҳоказо. Шу каби фикрлар бир қатор олимларнинг тадқиқот ишларида учрайди: С.А.Гребенкина¹, А.В.Толочко², А.А.Вертинова³, К.М.Ильенкова⁴ ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Таҳлиллар «ташкилий механизм» тушунчаси товар хўжалиги пайдо бўлишидан анча олдин, аниқроғи, кўп асрлар муқаддам, инсон иқтисодий фаолият билан энди шуғулланиб бошлаган даврлардаёқ пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. Шу сабаб «ташкилий механизм» тушунчасининг дастлаб пайдо бўлишини инсон цивилизациясининг бошланиши, ибтидоий жамоа тизимига бориб тақалиши тўғрисидаги концепцияни илгари суриш мумкин.

Ибтидоий жамоа тизими даврларидаёқ қабила унинг сардори томонидан бошқарилган. Қабила сардорининг бошқарувчилик фаолияти ва маҳоратидан барча қабила аъзолари фойдаланган. У ўзи бошқараётган қабила аъзоларини ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида турли гуруҳларга бўлган, уларнинг вазифаларини тақсимлаб берган ва назорат қилган. Демак, ўша даврлардаёқ ташкилий механизмларнинг элементлари мавжуд бўлган ва қабилани бошқаришда катта аҳамият касб этган. Асрлар ўтиши билан ташкилий механизмлар ривожланиб, унинг элементлари эса такомиллашиб борди.

Юқорида ташкилий механизм моҳияти ва унинг аҳамияти бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазаларга таяниб, унинг куйидаги умумий кўринишини шакллантирдик (1-чизма).

Ташкилий механизм ташкилий ва бошқарув элементларига бўлинади. Ташкилий элементларга бошқариш функциялари, бошқариш усуллари ва бошқариш жараёнлари киради. Ҳар бир ташкилий элемент эса бошқарув элементларидан таркиб топади. Механизм - бу ички тузилишдир. Шу сабабли у турли қисмлардан иборат. Илмий адабиётларда механизм қисмларини дастаклар, қурилма⁵, бир-бирини тақозо этувчи ва биргаликда амал қилувчи иқтисодий воситалар⁶, деб аталса, баъзи бир илмий адабиётларда эса алоҳида механизм⁷, деб қаралган. Бизнинг назаримизда механизмнинг қисмларини дастак эмас балки алоҳида элементлардан иборат, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Гребенкина С.А. Формирование механизмов инструментария устойчивого развития дотационного региона в системе его экономической безопасности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва., 2021., 220 стр.

² Толочко А.В. Развитие механизмов обеспечения экономической безопасности региона. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Томск., 2020., 188 стр.


³ Вертинова А.А. Адаптивный механизм соразвития университета и региона как экосистемы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Владивосток., 2021., 180 стр.

⁴ Ильенкова К.М. Организационно-экономический механизм реализации ассортиментной политики торговой компании на основе категорийного менеджмента. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Екатеринбург., 2021., 287 стр.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. _lug'ati/ pdf.; Большой экономический словарь./ Под ред А.Н.Азрилияна.-7-е изд.-М.: Институт новой экономики, 2007.-С.229. http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli

⁶ Шодмонов Ш.Ш.Мухаммедов М.М. Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник.- Т.: «Iqtisod-Moliya», 2021, Б.163-164.; Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.-Т.: «Iqtisod va Moliya», 2014. Б.228.

⁷ Ўлдошев М. Маматкулов Ш. Ўлдошев Ф. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: «Ilm Ziyо», 2016, Б.187-188.



1-чизма. Ташкилий мехнизмнинг умумий кўриниши.

Izoh: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бошқарув усуллари иқтисодий жараёнларга юқори натижаларга эришиш мақсадида таъсир қилади. Хизмат кўрсатиш самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув усулларининг мукамаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғлиқ. Бошқарув усуллари ва функциялари хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши ҳамда жамият ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан у ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли иқтисодий жараёнларнинг ривожланишида бошқарув элементларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, у соҳанинг жараён ривожланишида катта рол ўйнайди. Аммо, ҳозирги кундаги кўплаб тадқиқот ишларида ташкилий механизм тушунчасининг моҳиятини тор маънода тадқиқ этилганини аниқладик. Масалан, Н.Н.Ползунова «Организационно-экономический механизм обеспечения конкурентоспособности высокотехнологичных промышленных предприятий», деб номланган докторлик диссертациясида механизмни қуйидагича талқин этган: «...саноат корхоналарида рақобатбардошликни таъминлаш учун маҳсулот нархини, ишлаб чиқарувчилар (кадрлар) салоҳиятини, шунингдек давлат томонидан саноат корхоналарини рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш»¹. Н.Н.Ползунова саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш учун асосан иқтисодий механизмларнинг баъзи элементларидан, жумладан нарх, ишлаб чиқариш омилидан эса меҳнат ресурсларининг сифатини ва давлатнинг

¹ Ползунова Н.Н. Организационно-экономический механизм обеспечения конкурентоспособности высокотехнологичных промышленных предприятий. Диссертация, специальность 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами-строительство) диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва., 2017. С.198.

молиялаштириш усулини эътироф этган. Ваҳоланки, давлат иқтисодий субъектларни бошқаришда уларнинг фаолиятини ташкил этишда нафақат молиялаштириш механизмлари орқали, балки иқтисодий механизмларнинг бошқа элементлари, шунингдек, ташкилий механизмларни кенг қўллаш асосида тараққиётнинг юқори даражаларига эришган.

Баъзи илмий адабиётларда ташкилий механизмларни инновацион усуллар орқали такомиллаштириш лозимлиги тўғрисида фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, хорижда чоп этилган «Organizational-economic entities» номли адабиётда қуйидаги фикр билдирилган: «...хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида инновацион бошқариш механизмларини тадбиқ этиш ижобий самара беради»¹. Дарҳақиқат, табиий ресурслар чекланган шароитда табиатнинг мавжуд имкониятларидан ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматларни имкон қадар кўпроқ ишлаб чиқариш, иқтисодий субъектлар фаолиятини ташкил этиш, тартибга солиш ва уларни бошқаришда инновацион усулларнинг аҳамияти беқиёс. «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларидан иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида аҳолининг узлуксиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини тўлароқ қондириш зарурияти фаннинг бош муаммоси сифатида қаралганлиги бежиз эмас². Масалан, иқтисодчи олим М.М.Мухаммедов муаллифлигида чоп этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида бу борада қуйидаги фикр билдирилган; «...ресурсларнинг чекланганлиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техникалар ва технологияларнинг яратилиши ва ишга солиниши ишлаб чиқариш чегараларини кенгайтириш имконини беради»³.

Иқтисод илмининг бош муаммосини ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий механизмининг инновацион усулларни самарали қўллашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, Янги Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётган шароитда замонавий бозор муносабатларининг самарадорлиги ташкилий, иқтисодий ва бозор механизмларининг ривожланиши билан бевосита ва чамбарчас боғлиқ. Жамият ривожланиб, иқтисодий жараёнлар такомиллашиб борган сайин, иқтисодиётни макро ва микродаражада тартибга солиш ва самарали бошқариш ҳам тобора мураккаблашиб боради. Шу сабаб кейинги вақтларда иқтисодчи олимлар соҳани ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришни бошлади.

Назарий илмий изланишлар шуни кўрсатдики, хориждаги бир қатор олимлари: В.Крастев, С.Пянкова, О.Эргуновалар «...хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишининг ташкилий ва иқтисодий механизмларини тармоқлар кесими бўйича амалга оширишни таклиф этади»⁴. Лекин, бизнинг фикримизча, ушбу олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф этган усули мақбул эмас. Чунки соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, жамият тараққиётидаги етакчилик ўрни соҳани тармоқлар кесими бўйича ташкилий механизмларни такомиллаштириш ижобий самара бермайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмлари унинг хусусиятларига қараб шаклланиши лозим. Назарий тадқиқотлар хизмат кўрсатиш соҳаси уч секторли иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида, иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этишини ва бу жиҳатдан у умумий иқтисодий қонунларга бўйсунуш каби ўзига хос

¹Bezpartochnyi M. Organizational-economic entities:collective monograph/edited by M.Bezpartochnyi, in 3 Vol./Higher School of Social and Economic. – Przeworsk: WSSg, 2019.-Vol.2.-400p.

² Шодмонов Ш.Ш.Мухаммедов М.М. Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник.- Т.: «Iqtisod-Moliya», 2021, Б.14.; Йўлдошев М. Маматкулов Ш. Йўлдошев Ф. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: «Ilm Ziyu», 2016, Б.18.; Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2014.-Б.25.

³ Мухаммедов М.М., ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси.- Т.: «Фан ва технология», 2018, Б.17.

⁴ Krastev V, Pyankova S, Ergunova O. Formation of organizational and economic mechanisms for innovative development of service sector industries: Russian and foreign experience. December 2020, 3.P. E3S Web of Conferences 208:1-10.DOI.10.1051/e3sconf202020803007.

хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. Биз хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи муҳим хусусиятларига тўхталиб, айнан ушбу хусусиятлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишининг ташкилий механизларини шаклланишида муҳим рол ўйнашини асослаб бермоқчимиз.

Хизмат кўрсатиш жараёнида инсон бевосита инсонга таъсир кўрсатади¹. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар энг аввало инсонларнинг хоши-истаклари билан ишлайдилар. Хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқарувчи кишиларнинг онги, психологияси, ижтимоий алоқалари каби нозик хусусиятлари билан тўқнашади. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходим меҳнати ҳарактерига, унинг мазмуни ҳамда натижаларига ўз таъсирини кўрсатиб, ходимнинг интеллектуал қобилиятига юқори талаб кўяди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг яна бир муҳим хусусияти унда жами меҳнат сарфлари ичида жонли меҳнат улушининг юқорилиги. Бизнингча хизмат кўрсатиш соҳасининг зикр этилган хусусиятлари соҳани ривожланишининг ташкилий механизмини ишлаб чиқишда инобатга олиниши лозим. Чунки соҳани ривожланишига қаратилган ташкилий механизм элементлари соҳада фаолият юритаётган ходимга, унинг малака ва қобилиятига, соҳанинг моддий-техник базасига боғлиқ. Гарчанд олимлар соҳада ижобий самарага тармоқлар кесими бўйича ташкилий механизмини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаган бўлса-да, улар ушбу ёндашувдаги баъзи камчиликларни, жумладан, ижро механизмини инобатга олмаган. Масалан, соҳанинг жадал ривожланиши учун қабул қилинган узоқ муддатли стратегик дастурлар, қарор ва фармонлар ижроси соҳада фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларга, уларнинг маҳоратига боғлиқ. Соҳадаги мутассади раҳбар ва ходимлар стратегик дастурларда белгиланган мақсад ва вазифаларни сифатли бажаришни таъминлай олмасалар, соҳани тараққиёти йўлида ишлаб чиқилган дастурлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижобий натижа бермайди. Баъзи бир тадқиқот ишларида аксинча хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий механизмини такомиллаштириш мақсадида янги марказларни ташкил этиш таклифи берилаяпти. Масалан, В.В.Гусхов – «.....транспорт хизматлари сифатини ва тезлигини оширишда логистик марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ»², деб ҳисоблайди. Умуман олганда, йўловчи ва юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчилар фуқароларни, тадбиркорларнинг юқларини белгиланган манзилларга талофатсиз, ўз вақтида, сифатли етказиш мажбурият ҳисобланади. Бу вазифа уларнинг фаолиятини белгилаб берадиган низомда аниқ кўрсатиб ўтилган. Шу сабаб транспорт хизматлари сифатини оширишда алоҳида марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Тадқиқот нитажаларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг ташкилий механизмини қуйидаги тарзда шакллантиришни таклиф этамиз (2-чизма).

Ташкилий механизмлар бир неча ҳуқуқий элементлардан таркиб топади. Қонунлар, давлат дастурлари, фармонлар, қарорлар, низомлар, буйруқ ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизми самарали натижа бериши учун «жавобгарлик», «ҳисоб бериш» ва «баҳолаш» каби элементлар бўлиши лозим.


Амалдаги ташкилий механизмлар бу каби элементлардан ташкил топмаган. Тадқиқот жараёнида баъзи туманларда (туманлар номи ошкор этмаслик мақсадида кўрсатилмади) хизмат кўрсатиш соҳасида 2019-2021 йилларга амалга оширилиши режалаштирилган баъзи бир инвестицион лойиҳалар ишга тушмасдан қолганлиги аниқланди. Масалан, 2021 йилда лойиҳа ташаббускори «А» номли инвестицион лойиҳасини ишга тушириш ҳисобида «Б» маҳаллада 22 та доимий янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган³. Шунингдек, лойиҳа

¹ Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризми ривожлантиришнинг назарий асослари. Самарқанд: Zarafshon, 2017. – Б.43.

² Гусхов В.В. Transport business in Russia, 6 (2013)

³ Инвестицион лойиҳа раҳбарларининг номларини ошкор қилмаслик мақсадида лойиҳа номлари, кредит маблағлари миқдори, ер майдони кўрсатилмади.

ишга тушиши учун туман ҳудудидан ер майдони, тижорат банклардан кредит маблағлари ажратилган. Бироқ, таҳлиллар лойиҳа ташаббускори томонидан «А» номли инвестицион лойиҳани ишга тушириш ўрнига бошқа мақсадда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганини аниқлади.



2-чизма. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизми.

Izoh:Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Натижада «Б» маҳалла ҳудудида режалаштирилган 22 та янги иш ўринлари яратилмади. Бу каби муаммоларни яна бир нечтасини келтириш мумкин. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмига «жавобгарлик», «ҳисоб бериш» ва «баҳолаш» каби элементлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Соҳани ривожлантиришнинг ташкилий механизмида «жавобгарлик» ва «ҳисоб бериш» элементлари лойиҳа ташаббускорларни инвестицион лойиҳаларда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишида масъулиятни оширади. «Баҳолаш» элементи эса инвестицион лойиҳалар раҳбарлари ўз фаолиятига қандай ёндашганлигини аниқлаш имконини беради. Ваҳоланки, лойиҳа ташаббускорлари ўз ҳудудларидаги маҳаллий депутатлар кенгашида инвестицион лойиҳаларини ижроси

борасида ҳисоб беришлари лозим. Бироқ ушбу элементлар ташкилий механизми такомиллаштиришда эътибордан четда қолиб кетаяпти. Ижро механизми ташкилий механизмнинг асосий қисмини, яъни дастурларда, қарор ва фармонларда белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлайди. Бунга иқтисодий субъектлар (лойиҳа ташаббускорлари), маҳаллий ҳокимият вакиллари ва маҳалла фаоллари қиради.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда тадқиқотларимиз кам сонли тадқиқот ишларида «ташкилий механизм» тушунчаларини кишилик жамиятининг ҳар бир босқичида ёки уч секторли иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараб чиқилганлигини аниқлади. Ваҳоланки, ташкилий механизмлар иқтисодиётнинг қайси сектори бўлмасин иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиб, уларни тартибга солиб туради. Шунингдек, иқтисодиётда юқори чўққиларни забт этиш учун табиий бойликларнинг ўзигина ёки айтайлик меҳнат ресурсларнинг миқдори кифоя қилмайди. Кўзланган мақсад ва марраларга эришишнинг муҳим шарти – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Шунингдек, олимларнинг ташкилий механизмлар борасидаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, ташкилий механизмларни муайян соҳани, тармоқни ёки корхонани иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш усуллардан иборат, деган хулосага ҳам келинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш мақсадида уларнинг таркибига «жавобгарлик», «ҳисоб бериш» ва «баҳолаш» каби элементлар киритиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абасов Р.Ж. Bank financing mechanisms for innovative economic development. Cand/Economics Dissertation 08.00.10. (2015)
2. Гламаздин Е. С., Новиков Д. А., Цветков А. В. Механизмы управления корпоративными программами: информационные системы и математические модели. – М.: Спутник, 2003. – 159 с.
3. Гусхов В.В. Transport business in Russia, 6 (2013)
4. Добрин А.Ю. Экономическое обоснование механизмов государственно-частного партнерства в транспортном строительстве 08.00.05- Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами-строительство) диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва., 2016., 157 стр.
5. Krastev V, Ryankova S, Ergunova O. Formation of organizational and economic mechanisms for innovative development of service sector industries: Russian and foreign experience. December 2020, 3.P. E3S Web of Conferences 208:1-10. DOI.10.1051/e3sconf202020803007.
6. Коршунова Л.Н., Пронданова Н.А., Зацаринная Е.А. Основы финансового менеджмента: Учеб. пособие. Инфра - М., 2019.-С.123.
7. Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризми ривожлантиришнинг назарий асослари. Самарқанд: Zarafshon, 2017. –Б.43.
8. Новиков Д.А. Институциональное управление организационными системами. М., 2003.- С.99.
9. Иванов С.Е. Организационный механизм управления качеством образования в школе. Ярославский педагогический вестник №2. 2010. С.67-68.
10. Пенькова Е.В. Особенности экономического и организационного механизмов функционирования медиа предприятия. Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии. № 1 (19). 2014. С.106.

11. Филиппова И.Н. Механизмы управления транзакциями в трубной отрасли. Специальность 08.00.01- Экономическая теория. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2021., С.30.

12. Шодмонов Ш.Ш. Мухаммедов М.М. Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник.- Т.: «Iqtisod-Moliya», 2021, Б.163-164.

13. Ўлмасов А. Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.-Т.: «Iqtisod va Moliya», 2014. Б.228.

14. Йўлдошев М. Маматқулов Ш. Йўлдошев Ф. Иқтисодиёт назарияси.-Т.: «Ilm Ziyο», 2016, Б.187-188.

15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. _lug'ati/ pdf.; Большой экономический словарь./ Под ред А.Н.Азрилияна.-7-е изд.-М.: Институт новой экономики, 2007.-С.229. [Http: // n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli](http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli)

16. Хозяйственный механизм (<http://stroy-spravka.ru/khozyaistvennyi-mekhanizm>).

УДК 338